



## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНИ ХОДИМИНИНГ ҚОНУНИЙ ТАЛАБЛАРИНИ БАЖАРМАСЛИК ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.

**Насиллов Абдулло Аббор ўғли**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

мустақил изланувчиси

тел:(90)902-72-04

abdullonasilloev@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7139128>

### ARTICLE INFO

Received: 27<sup>th</sup> September 2022

Accepted: 01<sup>st</sup> October 2022

Online: 03<sup>rd</sup> October 2022

### KEY WORDS

ички ишлар органи ходими,  
қонуний талаб,  
бўйсунмаслик, маъмурий  
жавобгарлик.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларини бажармаслик ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликнинг назарий жиҳатлари, шу мавзуда илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимларнинг фикрлари таҳлили, шунингдек, ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларининг мазмун-моҳияти баён этилган.

Бирор бир давлатда қонунлар яратилар экан, ўша давлатнинг фуқаролари, шунингдек, у ерда бўлиб турган бошқа шахслар учун ушбу қонунлар уларнинг маълум бир ҳуқуқлари таъминланишини кафолатлаш билан биргаликда уларга бурч ва мажбуриятларни ҳам юклайди. Бу каби ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ёнма-ён қўлланилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияда ҳам ўз аксини топган. Мисол учун, Конституциянинг 24–42-моддаларида шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар ёритилган бўлса, 47–52-моддаларида фуқароларнинг бурчлари белгилаб берилган.[1] Шу ўринда айтиб ўтишимиз мумкинки, фуқаролар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ҳам ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган. Масалан Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик

шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-445-сон қонунининг 32-моддасида муурожаатни кўриб чиқишнинг бориши тўғрисида ахборот олиш, важларни шахсан баён этиш ва тушунтиришлар бериш ва бошқа шу каби ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилган бўлса, худди шу қонуннинг 33-моддасида эса давлат органининг муурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш, муурожаат қилувчи ёки бошқа шахс йўқлигида муурожаатни кўриб чиқиш мумкин бўлмаганда ёхуд муурожаатни эшитиш учун уни чақириш, била туриб ёлғон маълумотлар кўрсатилган муурожаатни текшириш сабабли етказилган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга муурожаат қилиш каби ҳуқуқлари белгилаб берилган.[2] Бундан шуни англаш мумкинки, ундан фойдаланувчи томонга берилган ҳуқуқ бошқа томонга албатта мажбурият юклайди. Давлат ва



жамият хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда қонун устуворлигини мустаҳкамлашда ички ишлар органлари алоҳида аҳамиятга эга. Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талаби барча фуқаро ва мансабдор шахслар томонидан бажарилиши шарт ҳисобланади. Фуқароларнинг давлат органлари, хусусан ички ишлар органлари олдидаги ўз мажбуриятларини бажармасликлари эса маъмурий ва ёки жиноий жавобгарликка тортилишларига сабаб бўлади. Сўнги йилларда Ўзбекистонда ички ишлар вазирлигининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда фуқаролар ўртасида ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик ёки ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш ҳуқуқбузарликларини олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларининг олиб борилишига қарамай бу каби ҳуқуқбузарликларнинг сони ошиб бормоқда. Ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш, транспорт воситасини тўхтатиш каби қонуний талабларни бажармаслик борасида 2018 йили 24185 та маъмурий ҳуқуқбузарлик қайд этилган. Ушбу кўрсаткич 2019 йилда 29575 тани, 2020 йилда эса 38911 тани ташкил этган. Шунингдек, қўлланилган жазо чораларига қарамасдан фуқаролар томонидан 2018 йилда 972 та, 2019 йилда 2265 та, 2020 йилда эса 4169 та маъмурий ҳуқуқбузарлик такроран содир этилган.[3] Фуқаролар томонидан ички ишлар органлари ходимлари айниқса, йўл патрул хизмати

инспекторларининг қонуний талабларини бажармаслик ёки уларнинг қонуний фаолият олиб боришларига қаршилик кўрсатиш ҳолатлари кўпайганлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 11 февралда йўл ҳаракати хавфсизлиги масалаларига оид ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам алоҳида таъкидланди.[4] Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларига бўйсунмаслик ёки ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган.

Ҳокимият вакилининг ёки давлат органи номидан иш олиб борувчи давлат хизматчисига бўйсунмаслик, шунингдек унга очиқдан-очиқ қаршилик кўрсатиш учун жавобгарликнинг тарихий шаклланишига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон ҳудуди мисолида уни қуйидаги даврларга бўлишимиз мумкин:

Исломи дини ва шариат қоидалари кириб келгунгача бўлган давр. Бу давр ўз ичига Ўзбекистон ҳудудларида илк давлатлар (Юнон-Бақтрия, Хоразм ва Парфия ва.б.) ташкил топган даврдан бошлаб араблар босқини натижасида ислом дини ёйилиши ва шариат қонун-қоидалари жорий этилгунга қадар бўлган вақтни олади. Унга кўра ҳар бир давлат ўзининг маъмурий ҳудудида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун ташкил этган ҳарбий аскарлар (баъзи адабиётларда чокар, посбон деб ҳам



аталади.)[5] ҳуқуқий ҳимояси учун ўз қонунларига эга бўлиб, унга кўра жавобгарлик масаласи ҳал этилган.

Ислом қонунчилиги (шариат қоидалари) амалда бўлган давр. Ислом дини вужудга келиб, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида ҳам араб халифалиги қонунчилиги қарор топа бориши ва ислом динининг кенг ёйила бориши натижасида мусулмон ҳуқуқшунослиги, шариат қонун-қоидалари ҳам ушбу ҳудудларда амал қилиш жараёни бошланган. Ислом ҳуқуқшунослари (фақиҳлар) томонидан фикҳга оид асарлар яратилиб, улар қози ва муфтийлар учун фатво тўпламлари сифатида дастуриламал бўлиб хизмат қилган. Улар ичида Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари Мовароуннаҳр ҳудудида катта шухрат қозониб, давлат маҳкамаларида амалий қўлланма сифатида фойдаланилган. “Ҳидоя” асари (тўлиқ номи “Ҳидоя фи фуруъ ал-фикҳ” — “Фикҳ соҳалари бўйича йўлланма”) 4 жилд, 57 китобдан иборат бўлиб, 4-жилдида меросни тақсимлаш, васият, гаровга бериш билан биргаликда жинойтлар шунингдек, ҳун тўлаш каби масалалар ёритилган.[6]

Чор Россияси даври. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихида бу давр XIX асрнинг 60-йилларидан то давлат бошқаруви советлар қўлига ўтгунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириш жараёнида шаклланган муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси сифатида 1865 йилнинг 6 августида Россия императори томонидан тасдиқланган “Туркистон вилоятини бошқариш ҳақидаги Муваққат Низом” шунингдек,

кейинчалик ишлаб чиқилган “Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш ҳақидаги Низом” лойиҳаси расман давлат бошлиғи томонидан тасдиқланмаган бўлсада, Туркистон ўлкасида амал қилган. Ушбу Низомга мувофиқ вилоятлар маъмурий ҳудудий жиҳатдан уездларга бўлинган бўлиб, улар маъмурий ва полиция ҳокимиятини амалга оширувчи уезд бошлиғи томонидан бошқарилган. Уезд судялари эса Россия императори томонидан тасдиқланган 1865 йил 11 октябрдаги “суд қоидалари” асосида очикдан-очик ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш каби ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқишган.[7]

Совет ҳукумати қонунчилиги. Бу давр ички ишлар органлари ходимларига нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик масаласи кодекслаштирилган қонун нормалари билан тартибга солинганлиги билан бошқа даврлардан ажралиб туради. Масалан, Ўзбекистон ССРнинг 1985 йилда қабул қилинган Маъмурий жавобгарлик кодексининг 187-моддасида милиция ходимининг ёки халқ назоратчисининг жамоат тартибини муҳофаза қилиш бўйича ўз вазифаларини бажаришда қонуний буйруғи ёки талабига қасддан бўйсунмаслик ўн рублдан эллик рублгача жарима солишга ёки иш ҳақининг йигирма фоизини ушлаб қолган ҳолда бир ойдан икки ойгача бўлган муддатга ахлоқ тузатиш ишларига олиб келиши, агар ишнинг ҳолати ҳамда ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда, ушбу чораларни қўллаш этарли эмас деб топилса, 15



суткагача маъмурий қамоқ жазоси қўлланилиши кўрсатиб ўтилган. [8] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 194 (ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик) ва 195 (ички ишлар органлари ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш)-моддаларида.[9] шахсларнинг айнан ички ишлар органлари ходим(лар)и билан бевосита юзага келадиган ижтимоий муносабатлар жараёнида ўз мажбуриятларини бажармаганлиги туфайли вужудга келадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик ва унинг жавобгарлик масалалари баён этилган. Ушбу кодекснинг 194-моддаси қуйидагича таърифланади: Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик—ички ишлар органлари ходимининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш, ички ишлар органларига бориш ёки кўрсатилган муддатда ички ишлар органларида бўлиш тўғрисидаги қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик ёхуд ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик, худди шунингдек жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг қонуний талабларини бажармаслик, — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир

бараваридан ўн икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн икки бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуннинг 28-моддасида ички ишлар органларида хизмат қилаётган, махсус унвон берилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ички ишлар органининг ходимидир дея таъриф берилган.[10] Шунингдек, юқоридаги кодекснинг 194-моддасида жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг ҳам қонуний талабларини бажармаслик маъмурий жавобгарликни келтириб чиқариши белгиланган. Ҳуқуқшунос олим А.А.Худойбердиев ушбу шахсларга ихтисослаштирилган ижтимоий тузилма аъзолари бўлган фуқаролар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий ва офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар ана шундай шахслардир дея таъриф берган.[11] Биз ҳам олимнинг юқорида берган таърифига қўшилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш



бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4075-сон қарорига асосан ташкил этилган “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳлари аъзоларини шунингдек, ушбу қарор асосида “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси раҳбари лавозимини тугатиш ҳисобига жорий этилган профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларини ҳам киритиш мумкин деб ҳисоблаймиз.[12] Чунки жамоатчилик патруль гуруҳлари ҳамда профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари фаолият тури, уларнинг моддий таъминоти ҳамда хизмат вазифаларининг аниқ белгиланиши билан жамоат тузилмаларидан фарқ қилади. Улар жамоат тартибини сақлаш вазифаларини бажариш давомида фуқароларга ва тегишли мансабдор шахсларга мажбурий фармойишлар бериш ва ҳуқуқий тартиботни қўллаб-қувватлаш учун зарурий талаблар қўйиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларини бажармаслик ҳуқуқбузарлигининг объектига маъмурий ҳуқуқбузарликка оид дарслик ва юридик адабиётларда бошқарув тартиби соҳасидаги ижтимоий муносабатлар, давлат ҳокимияти, ички ишлар органи ходими ҳамда жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифаларни амалга оширувчи шахсларнинг обрўси эса ушбу ҳуқуқбузарликнинг бевосита объекти дея таъриф берилган.[13] Дарслик муаллифларининг фикрига кўшилган

ҳолда, ички ишлар органи ходимининг, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг қонуний талаблари билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳам ушбу ҳуқуқбузарликнинг бевосита объекти ҳисобланади деган фикрдамиз. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ички ишлар органлари ходимининг, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг қонуний талабини бажармасликка қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан ифодаланади. 16 ёшга тўлган, ақли расо, жисмоний шахс ушбу ҳуқуқбузарликнинг субъекти бўла олади. Ушбу ҳуқуқбузарликнинг субъектив томондан қасддан содир этилиши билан бошқа ҳуқуқбузарлик турларидан ажралиб туради. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг юридик таркибини таснифлаш учун ҳуқуқбузар шахснинг қонуний талабларни бажармаганлигини, яъни ички ишлар органлари ходимининг, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг оғзаки айтган ёки ишоралар орқали (қўл ҳаракати орқали) кўрсатган қонуний талабига бўйсунмаганлигини белгилаш муҳим. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик таркиби қонуний талабни бажармаслик фақат бир неча марта қатъий қилинган талабни бажармасликда ёки жамоат тартибини



муҳофаза қиладиган шахслар ва органларга нисбатан яққол ҳурматсизлик кўринишидаги бўйсунмасликда вужудга келади. Ички ишлар органлари ходимининг ёки жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг талаби такрорий ва

қатъий усулда бўлиши, тартиб бузувчининг буни бажаришдан воз кечиши сўз, имо-ишора, сукут сақлаш шаклида намоён бўлиши лозим. Бунда айбдор кўпчилик олдидами ёки ички ишлар органлари ходими, маҳалла посбони ёки ҳарбий хизматчи олдидами бўйсунмасликни намоён этишининг аҳамияти йўқ.

## References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / [www.lex.uz](http://www.lex.uz). [Кириш йўли:] <https://lex.uz/docs/20596> (мурожаат қилинган вақт:11.08.2022й)
2. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунининг 33-моддаси. [Кириш йўли:] <https://lex.uz/docs/3336169> (мурожаат қилинган вақт:11.08.2022й)
3. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, “Адолат” СДП фракцияси раҳбари З.Ибрагимованин Олий мажлис қонунчилик палатасининг 11.10.2021 йил кунда бўлиб ўтган мажлисидаги нутқи. [Кириш йўли:] [https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/36015/?sphrase\\_id=8203187](https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/36015/?sphrase_id=8203187) (мурожаат қилинган вақт: 12.08.2022й).
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 11 февралда йўл ҳаракати хавфсизлиги масалаларига оид ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. [Кириш йўли:] <https://kun.uz/33748669> (мурожаат қилинган вақт:16.08.2022й)
5. O‘zbekiston tarixi (IV asrdan XV asr boshlarigacha) 7-sinf. Darslik / Qayta ishlangan uchinchi nashr. T.,2017–B.7.
6. Маҳмуд Ҳасаний. “Ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари ва унга ёзилган шарҳлар” Т.: – 2000. – Б. 48.
7. <https://arxiv.uz/uz/documents/referatlar/huquqshunoslik/chor-rossiyasi-hukmronligi-davrida-turkiston-davlati-va-huquqi> мурожаат вақти: 24.09.2022 йил
8. Кодекс Узбекистан ССР Админстративной ответственности. Т. 1985 г. Статья 187.
9. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 194-195-моддалари [Кириш йўли:] <https://lex.uz/acts/97664> (мурожаат қилинган вақт:12.08.2022й)
10. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддаси. [Кириш йўли:] <https://lex.uz/acts/3027843> (мурожаат қилинган вақт:12.08.2022й)
11. Худойбердиев А.А. Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш. – Т.: – 2020. – Б. 100.



12. Ўз.Рес. Президенти Ш.М. Мирзиёвнинг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. [Кириш йўли:] <https://lex.uz/ru/docs/4124831> (мурожаат қилинган вақт:12.08.2022й)
13. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. И.А.Хамедов ва Ў.Х.Мухамедов таҳрири остида.–Т.,2016–Б.490.